




10/91

ЎАН ВА ТУРМУШ

МУСАВВЕР УСТА ВАЛИ.



ДЕҲҚОН ҚЎЛЛАРИ


Муҳаммад Солиҳ

Худо қарамади менинг райъимга
Буйруқни чиқарди, муҳрини босди
Ва ижрочи фаришта қоқ манглаймга
Нотаниш имлода нимадир ёзди.

Кейин ерга тушдим. Уйдагилар ҳам
Ёзувни тушунмай бўлдилар сарсон.
Ниҳоят, марказдан келган бир одам
Ўқиди ва деди: «Сен — пахтакорсан!»

Шу-шу олтин топган қул каби хурсанд
Юраман пахталар кўкарса гулдай.
Мен маҳзун юраман аччиқ қиш кирса,
Топган олтинини йўқотган қулдай.

Баъзан тушларимда сўкинаман бад,
Унгимда-чи, «тавба» дейман асосан:
Ҳар ҳолда, энг ширин таом бу — меҳнат,
Энг катта идиш бу — сабр косаси.



Тошкент шаҳрида «Шайх Зайниддин Бобо» мазори бор. Унинг түридаги улугвор макбарада шул зот дафн этилган. У кишининг Саййид Орифхўжа Эшонгача бўлган эркак авлодларининг жасади, шу макбара ичига кўмилган, макбара рўпарасида, кираверишдаги ўнг бурчакда ҳам шу шайх авлодларининг қабри бор.

Шайх Зайниддин қабристонини тарихий ёдгорликдир. Хориждан ва мамлакатнинг турли гўшаларидан келаётган сайёҳларга макбарани таништирувчи йўлчилар бу ҳақда қисқача маълумот берадилар, холос.

Хўш, Шайх Зайниддин Бобо буюк шахс эканлар, авлодларининг ҳоки халқ тарафидан авайлаб ўз макбаралари ичига ва ён-верига қўйиб келинган экан, ушбу сулола вакилларининг тарихда, ижтимоий, илмий, диний ҳаётдаги иштироки хусусида нега бирор маълумот на адабиётларда, на мақолаларда қайд этилмайди? Ушбу саволга жавоб беришнинг кези ана эндигина келибди чоғи. Зеро, Шайх Зайниддин Бобонинг сўнгги авлод вакилларида бири бўлган зот файласуф, профессор Омонулло Саййид Файзулла-хўжа ўғли шу хусусда дастлабки мақолаларини сиз, муштарийлар диққатига ҳавола этадилар.

ШАЙХ ЗАЙНИДДИН БОБО ШАЖАРАСИ

Бизнинг аجدод-авлодларимиз Тошкентнинг Кўкча даҳасида Шайх Зайниддин Бобо (1164-1259) қабристонининг этакларида, мана, 800 йилдан бери яшаб келмоқдамиз. Шайх Зайниддин Бободан бошлаб ота-боболаримизнинг ҳаммаси шу қабристонда дафн этилган.

Урушдан аввал бу манзилгоҳ «Кўкча даҳа Шайх Зайниддин Бува мазори» дейиларди. 1939 йили катта кўчага Вилоят номи қўйилди (ҳозир Маннон Уйғур кўчаси деб юритилади), шу муносабат билан қабристон пештоқиға «Вилоят мазори» деб ёзиб қўйилди, бу ҳаракат қадим маданий арбоблар номини йўқотиш керак, деб ҳисоблайдиган динсиз мафкурачи амалдорлар учун жуда қўл келди.

Шундай қилиб, биз Шайх Зайниддин авлодимиз. Заррача мактанишга ўрин йўқ, чунки ҳар бир одамнинг аجدодлари бўлмаса, ахир қаёқдан пайдо бўлган у? Бунинг устига Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ал-Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбекларнинг ҳам авлодлари борку, ахир. У буюк сиймолар ҳаммамизнинг, айни вақтда ҳар биримизнинг аجدодларимиздир. Бу билан қонуний равишда фахрланмоғимиз керак.

Шундай экан, Шайх Зайниддин Бобо ҳам (рафикалари Дарё Дил Бекач Момо билан) ҳаммамизнинг аجدодимиздир. Чунки, ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги асл моҳияти, маъноси ижтимоий ҳаётнинг намоён бўлишидир. Биз Ватанимиз ижтимоий ҳаёти тарихий ривожидида «занжир»нинг биттадан «ҳалқача»симиз. Силсилалар куп марталар бир-бирига чатишиб кетган. Мутлақ элоҳида бир аждод-авлодлар йўқ. Масалан, Пушкин ва Лев Толстой авлодлари бутун дунёга тарқалиб кетган.

Биз бу ерда изоҳлаётган шажаранинг асосий қиймати шундаки, аждодларимиз шажара тузишни вазифа деб тушунишган, уни ўз замонларида расмий идоралардан тасдиқлатиб олишган, сўнг авлоддан-авлодга узатишган ва, ниҳоят, у бизгача етиб келди.

Эсимда бор, менинг бувам Саййид Фатхуллохўжа Орифхўжаевнинг битта кичкина пўлат сандиғи булар эди. Унда фақат битта қоғоз сақланар — у ҳам бўлса «Алҳамду лиллоҳил лази фаззал ал авлода...» сўзлари билан бошланган шажара эди. Шажаранинг «Наҳмудуху ва нусали...» сўзлари билан бошланган иккинчи нусхасини эса менга марҳум амакиларимиздан Абдуллахўжа ака берганлар. Учинчи нусхани бошқа бир амаким Саййид Салоҳиддинхўжа шоир Алоиддин Хўжа ўғли кўлөзмаларидан (қариндошимиз Шаҳобиддинхўжа ёрдамида) кўчириб олганман. Тўртинчи нусха «Насаб шажаралари» бўлиб, унда 27 нусха

дод-авлоднинг рўйхати берилган. Бу тўртта ҳужжат умумшажаранинг муайян қисмлари бўлиб, бир-бирига зид эмас, аксинча бир-бирини тўлдиради.

Биринчи нусха — асосий ҳужжатдир. Унда 13 та муҳр босилган: 1) Қози Мулло Бой Мирзо бин Мирзо Оғалиқ; 2) Қози Мухаммад Шариф Хўжа судур бин Подшоҳхўжа Умарий, Хўвал Қодир Шайх Хованд Таҳуррий; 3) Домло Абдурашул аълам бин Домло Мир Ашур; 4) муҳрни ўқиб бўлмади; 5) Қози Эшон Азизлархўжа бин Эшон хўжам Шайхулислом марҳуми; 6) Мулло Мухаммад Зоҳир Аълам бин Домло Отажон марҳуми; 7) «Лутф этиб чун бил ани хатосига қалам, ўзи олий харжина бўлди Ҳакимхон Аълам»; 8) Қози Мухаммад Турди бин Раҳимжон; 9) Қози Исохўжа бин Қози Азизлархўжа; 10) Мулло Орифхўжа Аълам бин Қози Мухаммад Шарифхўжа судур шин; 11) Аҳмад хўжа муфти бин Қози Маҳмудхўжа; 12) муҳрни ўқиб бўлмади; 13) муҳрни ўқиб бўлмади.

Иккинчи ҳужжатда олтинта муҳр бор: 1) Мулло Мир Ҳолиқ, Ибн Мулло Раимхон Хўқандий; 2) Қози Мухаммад Азим бин Мухаммад Ражаб; 3) Қози Мухаммад Мухиддинхўжа бин Қози Мухаммад Аъзамхўжа марҳуми; 4) Ал-Аълам ул ҳайл Мухаммад Содик; 5) Қози Шоҳ Жўнайид Маҳдум бин Домлажон Охунд марҳуми; 6) Қози Абдурашулхўжа бин Яқубхўжа марҳуми.

Бу иккала ҳужжатда қозиларнинг муҳрлари босилган, муҳрда эса маълумки, сана бўлмайди, вақт кўрсатилмайди. Фақат охириги муҳрларнинг бириси ёнига «1236 йил раббӣ ул-аввал (1820 йил декабрь)», иккинчисига «1281 йил (1864 милодий йили)», учинчисига «1301 йил 17 жумодул-аввал (1884 йил 16 март)» саналари қўйилган. Шунинг устига керакки, ҳужжат матнларида: «Мазкур Норхўжа Азизлар узоқ муддатлар давомида... нойиблик мартабасида қиём кўргазганлиги ўз даврининг султонлари ва умаролари томонидан берилган ҳужжатларда ўз аксини топган, умаро ва хоқонларнинг берган ёрлиқлари шундан далолат беради», «мазкур ҳужжат султонлар муҳри билан тасдиқланган» «марҳаматли хоннинг олий иноятнома ҳужжатида шунга ишора қилинган», «мазкур ҳукм шаръан тўғри ва бажарилиши вожиб бўлиб, ишончли кишилар ҳузурида қабул қилинди ва мазкурни ўзгартириш мумкин эмас», «ҳужжатнинг асл нусхасидан кўчириб ёзилди», «мазкур ҳужжат ҳар қандай шак-шубҳалардан халос қилғай», «мазкур ҳужжати ўзгартириш асло мумкин эмас», «мазкур ҳужжатнинг асл нусхаси шаръан тўғри ва машҳур амиралмуслимин Умархон жаннатмаконнинг ҳамда амир

мухрлари билан безалганки, уларнинг ҳар бирлари Ислоҳ подшоҳлари бўлиб, Фарғона ва Шош шаҳарлари ҳамда Дашти Кипчоқ ва унинг атрофларининг ҳукмронлари эдилар. Шунингдек, «Қўқон Дорулсалтанатининг қози калони Домло Мир Абдурахимнинг ҳамда Шош шаҳрининг қози калони Домло Муҳаммад Раззоқнинг ва бошқа мухтарам уламою фузалоларким, замона пешвоси ва асрининг ягонаси эдилар, муборак мухрлари билан тасдиқланганлар» каби расмий жумлалар ёзилган. Бу қозилар ва уларнинг мухрларини ўрганиш ҳуқуқ тарихини ёритишда жуда қизиқарли илмий манба бўлиб хизмат қилса, ажабмас.

Демак, ўтмишда қозикалонлар мухрлари билан тасдиқланган мазкур ҳужжатлар ўз навбатида янада қадимийроқ ҳужжатлар замирида тузилгандир. Чунончи, ҳужжатларда 24- ва 25- аждодларимиз Саййид Тохирхон Шайх ва Саййид Олимхон Шайхларнинг шажара тузишдаги хизматлари таъкид этилади. Ва, «Авлодларимиздан умид ва илтимос-шу зотларга бизларнинг қардош ва қариндошларимиз ким бўлса, ота-боболарин топиб, ушбу шажарага шўъбаларин келтириб, қўшсалар керак», деб ният қилганлар.

Ушбу шажара ҳужжатлари форс-араб тилларида тузил-

Шайх Зайниддин Бобо аждод-авлодларининг шажараси

Авлод рақами	Шахс номи	Бошқа ўғиллари (амакилар)	Қизлари (аммалар)
44	Саййид Файзулло-хўжа (1903—1934)		
43	Саййид Фатхулло-хўжа (1875—1952)	44 ¹ Зикриллохўжа 44 ² Нафисахон 44 ³ Ҳакимахон 44 ⁴ Кимёхон 44 ⁵ Матлубахон	
42	Саййид Орифхўжа (1840—1922)	43 ¹ Саййид Ҳайбатуллохўжа (Мавлоно Хислат) 43 ² Саййид Асадуллохўжа 43 ³ Саййид Ҳабибуллохўжа 43 ⁴ Саййид Заби-хуллохўжа	43 ⁵ Маҳбубахоним 43 ⁶ Тожиҳоним
41	Саййид Маҳмудхўжа (1810—1891)		
40	Саййид Норхўжа (1778—1863)	41 ¹ Саййид Султон-хўжа 41 ² Авлиёхўжа 41 ³ Шайх Исҳоқ То-жиддин 41 ⁴ Саййид Алоиддинқори 41 ⁵ Имомалихўжа 41 ⁶ Мулло Нажмиддинхўжа 41 ⁷ Улуғхўжа	41 ⁸ Норпошшахоним 41 ⁹ Моҳипошшахоним
39	Саййид Шоҳ Бузрукхўжа		
38	Саййид Шарифхўжа	39 ¹ Юсуфхон	
37	Шоҳ Бузрукхўжа		
36	Шайх Яъқубхўжа	37 ¹ Нурхўжа	
35	Зулфиқор Шайх		
34	Саййид Шукурхўжа		
33	Саййид Ҳайбатулло Шайх		
32	Саййид Хўжахон		
31	Абдурахмонхўжа Валий		
30	Улуғхўжахожи Ҳарамайн		
29	Хўжа Абдулазиз Баҳодирхон		
28	Хўжа Низомиддин		


ган, уларни бизнинг илтимосимиз билан шу соҳанинг моҳир мутахассиси Турғун Файзиев ўзбекчалаштирди. Шарқшунослардан Қувомиддин Муниров, Шамсиддинхон Бобо-хонов ва Ашраф Аҳмедовлар ҳам бизга кўмаклашди.

Шажара ҳужжатларида «Маърифатли хон ва хоқон Муҳаммад Дарвешхон Баҳодир замонида», «Абулғози Келди Муҳаммад Баҳодирхон жаннатмаконнинг даврида», «Абул Музаффар вал Мансур олишон Скандар Муҳаммад Сулгоннинг даврида», «Маъдалат нишон Абдулазизхон жаннатмакон даврида», «Жаннатмакон Таваккал Муҳаммад Баҳодирхоннинг замонида», «Улуғ мартабали, тинчлик ва омонликнинг сабабчиси, зулм ва адоват уруғини йўқотувчи, хоқон ибн қоқон ҳазрат амир алмуслимин Саййид Муҳаммад Умар Олий ҳазратнинг кундан-кун равақ топаётган ҳукумат ва давлатлари соясида» тузилган бу ҳужжатлар Ватанимиз тарихининг ўрганилмаган саҳифаларини ёритиш учун ҳам хизмат қилса керак.

Хўш, Шайх Зайниддин Бобонинг ўзлари ким, нечук у зот шундай улуғ ҳурматга сазовор, у инсоннинг ижтимоий-тарихий хизматлари ва жамиятдаги ўрни қандай бўлган? Бу саволга жавобан ушбу ҳужжатларда берилган баҳоларни санаб ўтиш билан кифоялана қолайлик: «У — саййид-

дин Муҳам- 28² Султонхўжа (Давоми —21-бетда)
мад Тулак-
хон Кўбак
Шайх

26	Саййид Абдул Фаф-фор Шайх	27 ¹ Зулфиқор Шайх 27 ² Абдурахмон Шайх
25	Саййид Олимхон Шайх	
24	Саййид Тохирхон Шайх	25 ¹ Амир Шаҳобиддинхон
23	Саййид Мўминхон Шайх	24 ¹ Шайх Олимхон
22	Саййид Дарвеш Шайх	23 ¹ Саййид Собир-хон 23 ² Солиҳахоним 23 ³ Ойшахоним
21	Шайх Ҳованд Шоҳ Сармаст	22 ¹ Саййид Нодир-хон 22 ² Аминахоним 22 ³ Латифахоним
20	Шайх Фатхуллохўжа	22 ⁴ Шайх Зиёдуллохон
19	Саййид Ҳайбатуллохўжа	
18	Саййид Фатхулло Шайх	19 ¹ Қобилахоним 19 ² Сонбахоним
17	Шайх Тождиддин	18 ¹ Насрулло Шайх
16	Саййид Шайх Алоиддинхўжа	17 ¹ Вофизахоним 17 ² Ҳафизахоним
15	Шайх Зайниддин Бобо Кўйи Орифон (1164—1259)	16 ¹ Саййид Муҳиддин 16 ² Саййид Имо-диддин 16 ³ Тоҳир Имо-диддин 16 ⁴ Тухфахоним
14	Шайх Шаҳобиддин (1134—1234)	15 ¹ Саййид Имо-диддин
13	Говсил Сақли	
12	Заман	
11	Заман	
10	Заман	
9	Заман	
8	Заман	
7	Заман	
6	Заман	
5	Заман	
4	Заман	
3	Заман	
2	Заман	
1	Заман	



ЧОЧ ТОПИЛМАЛАРИ

Юрий БУРЯКОВ,

тарих фанлари доктори.
ЎзФА Археология институти
директорининг ўринбосари.

Хитой археологлари 1972 йили қазилма олиб боришда вақтида 575 йилга оид қабрга дуч келишган. Унда майит билан бирга бир қанча буюмлар қўйилган эди. Улар орасида айниқса сирланган идиш олимлар эътиборини тортди. У бўйин қисми кенг, ён томонлари ясси кўзача бўлиб, унга беш нафар мусиқачи ўйинчи эркак тасвири туширилган эди.

Икки чеккадаги тўғрига қараган машшоқларнинг бири қўлида дуторга ўхшаш мусиқа асбоби, иккинчиси найда (хитойча ди-деб аталади) куй ижро этмоқда. Ўртада эса яна бир машшоқ ва икки ўйинчи тасвирланган.

Археологик қазилмалардан бундай мусиқа асбоблари Чоч (қадимги Тошкент, V—VIII аср)да кенг тарқалгани бизга маълум. Хитойликлар ўша кўзачани топган йили Оққўрғон ноҳияси ҳудудида қазилма олиб бораётган археологларга шу ерлик болалар қизғиш-жигарранг гилдан ясалган сопол парчасини топиб келтиришган. Унда уд ушлаб кулиб турган машшоқ аёл тасвири бор эди. Биз бу сопол парча каттакон тасвирнинг бир қисми эканлигини аниқладик.

Қўшимча текширувлар натижасида шу нарсга амин бўлдики, топилма Қанқа (қадимги Чоч маркази) шаҳри ташқарисидан келтирилмаган. У шаҳрдан дарё ирмоғи орқали ажралиб турган Бойтепада ишланган. Маҳаллий аҳолининг айтишича, бу тепаликдан жуда кўхна қабрлар, лойдан ясалган тобутлар топилган. Улар билан бирга ҳайкалчалар ва турли буюмлар қўйилган экан.

Бундан келиб чиқадики, тепаликда илгари Қанқа шаҳрига қарашли будда ибодатхонаси жойлашган бўлиши эҳтимол. 1974 йили қадимги Қанқа



ҳудудида қазилма олиб бораётиб биз терракотадан ясалган буюмлар топдик. Улардан бири қўлида уд ушлаб машшоқ аёл ҳайкалчаси эди. Бундайн буюмлар турли ерларда — қадимги Хоразм, Сўғд, Шарқий Туркистонда топилган. Улар ҳам шаклан бир-бирига жуда яқин. Сўғд, Хоразм машшоқлари одатда, мусиқа асбоби дастасини юқорига қаратган ҳолда ушлашади. Чочда топилган барча буюмларда аксинча — машшоқлар уд дастасини пастга узатган ҳолда тасвирланган. Хитойликлар топган идишда ҳам худди шу ҳолни кўриш мумкин.

Яқинда қадимги Қанқа атрофида қазил ишларини олиб бораётиб археолог Г. Богомолов терракотадан ясалган мусиқачи эркак ҳайкалчасини топди. У хитойликлар топилмасида

тасвирланган мусиқачига жуда ўхшаш эди. Демак, хитойликлар ўз буюмларида Чоч машшоқларини тасвирлаган. Ёки уларнинг ўхшашлиги тасодифми? Йўқ.

Қадимги хитой солномачилари Ўрта Осиё халқларининг юксак мусиқа маданияти, мусиқа асбоблари ҳақида доимо таъкидлаб келишган. Маълумки, Хитой Фарб билан «Буюк ипак йўли» орқали мустаҳкам алоқада бўлган. Бу борди-келдида савдогарлар билан бирга турли хунармандлар, тарихчилар, олимлар фозиллар иштирок этган. Айниқса Хитой саройига қатнаган мусиқачилар, раққосалар анчайин машҳур эди. Хорижий машшоқлар саройдаги барча тантаналарда иштирок этганлар. Янги мусиқадан ҳайратланган қадимги хитой шоири Ван Цзянь шундай деган экан: «Бундайн гўзал мусиқа чалишни ўрганишни ҳозирда Лояндаги ҳар бир хонадон соҳиби истайди».

Хитой марказидаги айрим мавзеларда ашула айтиш ва рақс тушишни ўргатувчи махсус мактаблар бўлган. Бу эса VI-X аср Хитой мусиқа маданиятининг юзага келишида катта аҳамиятга эга эди. Ўша даврда хитойликлар туркийдан борган санъаткорлар қобилиятига қойил қолишган. Шунинг учун кўпинча «фарб»дан ёш раққос қиз ва ўғил болаларни чақириб келишарди. Чоч ёшлари томонидан барбад, най ва ноғоранинг тез, жарангдор садоси остида сакраб ўйновчи рақс машҳур бўлган. Бунда узун ҳарир кўйлақда, қумуш камар боғлаган, учли «қалп» кийган икки қиз кўнғироқ овози жўрлигида ўйинга тушишган.

Қадимги Хитой шеърларида Чоч қўшиқчилари ҳам улуғланган. Ҳатто IX аср хитой шоирларидан бирининг шеъри шу номда юритилган.

Аввалига фақат ўзига хослиги билан қизиқиш уйғотган Чоч мусиқаси, рақси, ашуласи аста-секин хитой мусиқа санъатида алоҳида таъсир кўрсата билган.

Янги ТОПИЛМАЛАР

(Давоми. Боши 16—17-бетларда).

ларнинг улуғи ва шариф кишиларнинг кароматлиси ва буюғидир», «Орифларнинг қутби ва ишончли раҳнамоси жаноб Шайх Зайниддин Кўйи Орифон».

Шайх Зайниддин Бобонинг 14 та аждодлари ҳақида маълумотлар камроқ. Лекин авлодларининг жамият ишидаги яхши хизматлари ҳақида баъзи далиллар бор. Бу соҳадаги гапни қисқа қилиб якунласак бўлади: машҳур шоир Хислат (1880-1945) — Шайх Зайниддин шажарасининг 43-авлодларидан биридир. Шажарада жой етмаслигидан биз амакилар ва аммалар номлари билан чегараландик. Уларнинг фарзандлари, набира, авара ва чеваралари жуда кўп. Масалан, Яқубхўжа, Исахўжа, Хонхўжа, Эшонтурухўжа, Насибуллохон, Баракатуллохон, Нажибуллохон, Ҳамид Сулаймон ва ҳоказо.

Шайх Зайниддин Бобонинг марҳум аждод-авлодлари 44 поғонадан иборат. Шажараларда у зотнинг замин аждодларидан яна уч поғона тилга олиб ўтилади. Бунга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, яна уч авлоди, 45-46-47-авлодлар ҳозир яшамоқда. Демак, жами 50 авлод, 1200 йиллик аждод-авлодлар. Асли бобомиз Сайид Мухаммад Султон Бакриддин эса буюк бобомиз Мухаммад Ал-Хоразмий замондошидир.

Ҳа, бир инсоннинг фарзандлари 1200 йил яшамоқда. Аслида инсоният уч миллион йил яшайпти. Инсон доимо яшамоғи лозим. Ҳаммамизнинг авлодларимиз ҳеч узилмайди, деб умид қиламиз. Аждодларимизга бўлган ҳурматимиз бизга авлодларимиздан қайтади, албатта!

Омонullo Сайид ФАЙЗУЛЛОХУЖА ўғли